

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-марти ойларида Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 4799,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 7,7 % га ўсди.

2019 йил январь-март якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 1 562,4 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 5,7 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМни шакллантиришда Андижон вилоятининг қўшган ҳиссаси 5,3 % ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш

	Млрд.сўм		2018 йил январь-мартга нисбатан, % да
	2018 йил январь-март	2019 йил январь-март	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	3528,2	4799,7	107,7
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3419,9	4569,6	107,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	108,3	230,1	109,9
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	3419,9	4569,6	107,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	817,7	973,6	103,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1085,6	1703,4	116,9
саноат	908,0	1478,1	119,2
қурилиш	177,6	225,2	104,9
Хизматлар	1516,5	1892,6	103,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	383,1	441,3	103,5
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	344,0	368,8	100,2
бошқа хизматлари	789,4	1082,5	104,0

Худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати – 103,8 %, (ЯХМ таркибидаги улуши 21,3 %), саноат –119,2 % (32,3), қурилиш–104,9 % (4,9 %) ва хизматлар – 103,0 % (41,5 %) ни ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-мартда ЯХМнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**





Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 95,2 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса, 4,8 % ни ташкил этди.

Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 5,4 % пунктга ошди ва 37,2 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 2,6 % пунктга камайди ва ҳисобот йилида 21,3 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 41,5 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (44,3%) билан таққосланганда 2,8 % пунктга камайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби



- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган холда)
- Хизматлар соҳаси

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши– 9,7 % ни (2018 йил январь-март 11,2 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,1 % ни (10,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 23,7 % ни (23,0 %) ташкил этди.

Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан фоизда)



**Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**
Нашр учун масъул: **Х.Хамракулов**
Тел: (0-371)230-82-60
(0-374) 228-29-77